

O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси



O'ZBEK TILI VA ADABIYOTI

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

6 / 2020



O'ZBEK TILI, ADABIYOTI
VA FOLKLORI INSTITUTI

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ
ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

uzbek tili va adabiyoti

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

*Журналга 1958 йил январда
Ойбек асос солган*

Бир йилда олти марта чиқади

6
2020

*Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси
Ўзбек тили, адабиёти
ва фольклори институти*

Тошкент - 2020

Бош муҳаррир:
Низомиддин МАХМУДОВ

Тахрир ҳайъати:
Абдусалом АБДУҚОДИРОВ
Раҳматулла БАРАКАЕВ
Маматқул ЖЎРАЕВ (*бош муҳаррир*
ўринбосари)
Наим КАРИМОВ
Баҳодир КАРИМОВ
Дурдона ЛУТФУЛЛАЕВА
Абдуваҳоб МАДВАЛИЕВ (*бош*
муҳаррир ўринбосари)
Тўра МИРЗАЕВ
Бахтиёр НАЗАРОВ (*бош муҳаррир*
ўринбосари)
Ёрқинжон ОДИЛОВ
Эргаш ОЧИЛОВ (*масъул котиб*)
Шомирза ТУРДИМОВ
Бокижон ТЎХЛИЕВ
Алмаз УЛВИЙ
Дурдона ХУДОЙБЕРГАНОВА
Жаббор ЭШОНҚУЛОВ
Бердак ЮСУФ
Қурдош ҚАҲРАМОНОВ
Улуғбек ҲАМДАМОВ
Иброҳим ҲАҚҚУЛОВ

Таянч сўз ва иборалар: мотивация, мотивланиш, термин, лексема, номшунослик, вариант.
Ключевые слова и выражения: мотивация, мотивланиш, термин, лексема, ономастика, вариант.

Key words and word expressions: motivation, motivating, term, lexeme, nomenclature, variant.

Эркин ЖУМАЕВ

-(и)БДИ ШАКЛИНИНГ МАЪНО ХУСУСИЯТЛАРИ

Маълумки, ўзбек адабий тилида ўзлаштирмалик икки усул билан ифода этилади: бири синтактик, бири морфологик¹. Ушбу мақолада ўзлаштирмаликнинг иккинчи (морфологик) тури ўзбек тили курилишининг ўзига хос хусусияти билан боғлиқ эканлигини *-(и)бди* шакли мисолида узвли, контекстуал, матний таҳлил қилиниб, мазмуний-синтактик хусусияти қисқача баён қилинади.

Бу шакл икки қисмдан таркиб топган. Биринчи қисмнинг энг кичик кўриниши бир узвли бўлиб, туб феълнинг ўзагидан иборат. Узв сони икки ва ундан ортиқ бўлиши мумкин: *иш+ла - (негиз), жавоб бер-, сот+иб ол-, ўқи+б чиқ-, ўқи+б чиқ+моқчи бўл-* (кўшма феъл), *ҳафсаласи пир бўл-* (ибора) ва ҳоказо. Иккинчи қисмни кўшимча ташкил этади. Кўшимча икки ёки уч узвли бўлиб, сони чекланган. Биринчи узв шаклнинг биринчи қисмига боғлиқ икки хил кўринишга эга. Кўшимчалар шахс жиҳатдан анъанага кўра уч қаторли парадигмага ажратилади. Қуйидаги жадвалда шулар акс этган.

Шахс	Феълнинг ўзак, негизи	Кўшимчалар	
		1-узв	2- ва 3- узв
I	Ол Иш+ла	-(и)б	ман, миз
II			сан, санлар, сиз, сизлар
III		-(и)шибди	ди, дилар

-(и)бди шаклининг мазмуни ва синтактик хусусиятини аниқлаш учун узвли таҳлил билан бирга контекстуал ва матний таҳлил зарур. Узвли таҳлил асосида шакл қандай маънолардан таркиб топганлигини жадвалга қараб айтса бўлади. *Шахс, замон, бевосита кузатилмаганлик, сенлаш, ҳурмат* маънолари шулар жумласидан. Аммо бу маънолардан айримининг белгиланганлик даражаси, турли кўриниши ойдinлашиши (конкретлашиши), таъкидланиши ёки чекиниши сабабларини билиш учун уни гапда қўллаб кўриш зарур. Бошқача айтганда, контекстуал таҳлилга мурожаат қилишга тўғри келади. Таҳлилни III шахсдан бошлаймиз: – *Олибди* (Т.Мурод, Отамдан қолган далалар, 8).

Мисол битта сўз, яъни *-(и)бди* шаклли феълдан иборат. Шаклнинг биринчи қисми (феълнинг ўзаги) инсонга хос ҳаракатни билдиради. Бу луғавий маъно деб аталади. Шаклнинг иккинчи қисми *-(и)бди* орқали бир

¹ Зикриллаев Ф. Ўзбек тили морфологияси. – Бухоро, 2002, 23–24-бетлар;
 Ўшамуаллиф. Истиклол ва адабий тил. – Тошкент: Фан, 2004, 105-113-бетлар;
 Ўшамуаллиф. Рух ва тил. – Тошкент: Фан, 2018, 311–315-бетлар.

неча грамматик маъно ифодаланади. Шулардан бири ўтган замон маъносидир. Негаки, ҳаракат нутқ вақтидан олдин содир бўлган. Иккинчиси коммуникатив маънонинг кўриниши бўлиб, нутқий амал аъзоси (сўзловчи, тингловчи) бўлолмайдиган шахсни англатишдир. Бу маъно грамматикада III шахс деб юритилади. Учинчи маъно ўзга шахснинг сон-миқдори бўлиб, кўшимча унинг бирлик ёки кўплик эканини аниқ кўрсатмайди. Тўртинчи маъно сўзловчининг ўзга шахсга ижобий муносабати (хурмат) бўлиб, кўшимчадан сўзловчининг ўзга шахсни хурмат қилиш ёки қилмаслигини аниқлаб бўлмайди. Бешинчи маъно бевосита кузатилмаганлик бўлиб, кўшимчасидан сўзловчининг ўзга шахс амалга оширган иш-ҳаракатни бевосита кузатмаганлиги сезилиб турибди. Аммо хабар манбаи аниқ эмас. Аниқроқ қилиб айтганда, ҳаракатни сўзловчи тингловчининг ўзидан эшитиб ўзлаштириб баён қилаётганлиги ёки у ҳақда бошқа манбага асосланиб хабар бераётганлиги аниқ эмас. Бу эса учта маънонинг кўриниши ёки белгиланганлик даражасини аниқлаш мақсадида бошқа гап(лар), контекст ёки микромаънога назар ташлашни тақозо этади. Олдинги контекст ёки микромаънонинг аввалги қисми (7-саҳифа)дан оқпошшо кўшини (лашкарлари) Тошкентни босиб олганлиги маълум бўлади. Демак, субъектнинг миқдори (сон маъноси) *кўплик* тарзида воқеланмоқда. Бундан ташқари, сўзловчи Салоҳиддин бўйрачи, тингловчи Кетмон лақабли деҳқон Жамолиддин, нутқий амал ўрни Фарғона, воқеа жойи Тошкент, воқеа вақти XIX асрнинг охириги чораги эканлиги назарда тутилса, сўзловчи *-(у)бди* шакли феъл орқали бировдан эшитган ҳаракат ҳақида хабар бермоқда дея оламиз. Айни пайтда эшитилган ҳаракатнинг чин-чин эмаслиги (реал, нореал, ирреаллиги), сўзловчининг унга ишониб-ишонмаслигини *-(у)бди* кўшимчасида белгиланмаган. Сўзловчи воқеани хабар қилар экан, ўзини бетараф тутади. Демак, *-(у)бди* кўшимчасида модал маънога бетарафлик мавжуд. *-(у)бди* кўшимчасида ижтимоий вазифа билан боғлиқ бўлган маъно (хурмат)га ҳам бетараф муносабат мавжуд. Негаки сўзловчи ўзга шахсларга нисбатан бетарафликни ифодаловчи шаклларни қўллайди. Уларнинг бирортасини сизламайди, барчасини сенсирайди (жумладан оқпошшони ҳам).

-(у)бди кўшимчасига хос маънолар предикативликни шакллантирганлигидан шаклнинг ўзи гап деб қаралади. Унинг охирига нукта қўйилганлиги эса бундай гапнинг синтактик жиҳатдан мустақил, тугал эканлигидан далолат беради. Демак, бундай ҳолда гапга *тугалланганлик* хос. Бу хусусиятнинг ифода воситаси оҳангдир.

Уч узвли кўшимчадан бирида сон-миқдор маъноси белгиланган: — *Алдашибди...* (Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси, 396). Мисолда иш-ҳаракат субъекти (ўзга шахс)нинг биттадан кўплиги англашилади. *-(у)бди* шакли бошқа феъллардан ясалганда ҳам мазкур маъно (*кўплик*) намоён бўлаверади. Бир сўзга гапда дахлдор маънолардан айрими лисоний восита ёки ғайрилисоний омил ёрдамида ойдинлашади, таъкидланади, ажратиб кўрсатилади: — *Олибди, олибди* (Т.Мурод, Отамдан қолган далалар, 7). Бу гап биринчи мисол билан битта микромаъно таркибида келган. Аввало, фарқ шуки, воқеа содир бўлган жой бошқа. Оқпошшонинг лашкарлари Фарғонани босиб олганлиги ҳақида хабар берилмоқда. Иккинчидан, шаклнинг такрори шу хабарни таъкидламоқда. Модал маъно лисоний

восита ёрдамида таъкидланади. Бу вазифани, жумладан, кўшимча (юклама) бажаради: – *Олибди-да* (Т.Мурод, Отамдан қолган далалар, 7).

Ушбу биргина сўз алоҳида абзац қилиб берилган. Шунга асосланиб, эшитилган хабар ғайрилисоний омил (абзац) ёрдамида ажратиб кўрсатилмоқда дея оламиз. Қуйидаги мисолда ҳам абзац эшитилган хабарни ажратиб кўрсатиш учун хизмат қилади. Шу билан бирга, макроматн *эртас-қисса* деб номланганидан иш-ҳаракат субъекти аниқ шахс(лар) эмас, *ижодкор* халқ эканлиги аён бўлади: *Йиғлапти* (Ш.Бўтаев, Кайвонининг мангу макони, 314). Яна битта мисол келтирамиз: *Ўтираверишипти* (Ш.Бўтаев, Кайвонининг мангу макони, 328). Ушбу гап юқоридаги мисол билан битта макроматндан олинган. Шу боис уларда коммуникатив мақсад манбаи мос келади. Аммо шакл таркибида келган кўшимча (*вер*) *-(а)р* экан шаклига хос *давомлилик* маъносини ифодаламоқда.

Қисқача таҳлил шуни кўрсатадики, бадиий асар муаллифи қахрамонлар суҳбати (диалогик нутк)да эшитилган хабарни ифодалашда синтактик жиҳатдан тугалланган бир сўзли гапга тез-тез муурожаат қилади. Бундан кўзланган асосий мақсад лисоний воситаларни тежаб, янги хабар (рема)ни бўрттириб кўрсатишдир. Бу усул ўқувчига хабарнинг таъсир кучини оширади. Жумладан, Т.Муроднинг дардли *қўшиқларида* (С.Аҳмад) шу мақсадга эришилган дея оламиз.

Бир сўзли гапда ўзлаштира хабарнинг биринчи қисми (*эшитилган хабар*) ифодаланади, холос. Унинг иккинчи қисми (*хабар манбаи*) контекст бошқа гап ёки макроматнда лисоний восита ва ғайрилисоний омил ёрдамида намоён бўлади. Нутқий вазият, бошқача айтганда, нутқий мақсаду вазифага кўра бевосита кузатилмаган хабарнинг иккала қисми битта гапда вокеланади. Бундай ҳолда гап кенгайиб, сўз сони ортади. Мисол: – *Ойимнинг айтишига қараганда, у ёши ўттизни қоралаб қолгунча ҳам эрга тегмабди* (Ў.Ҳошимов, Икки эшик ораси, 177). Ушбу мисолда сўзловчи онасидан эшитган хабарни тингловчига *-(и)бди* шакли феъл орқали баён қилмоқда. Хабар манбаини кўрсатиш учун гап бошида сўз бирикмаси қўлланган деб айтишга асос бўлади. Айни пайтда хабар манбаи турдош от ва фикри ўзлаштирилган шахс, яъни *-(и)бди* шакли феъл англатган иш-ҳаракат субъекти кишилиқ олмоши (у) билан ифодаланган. Негаки, булар олдинги контекст, бошқача айтганда, макроматннинг олдинги қисмидан маълум. Шу боис муаллиф ушбу гапга хабар учун зарур воситаларни киритган холос. Натижада тежамкорликка эришилган ва хабар мазмуни ўқувчига яққолроқ кўрсатиб берилган.

Юқоридаги мисолда ўзлаштира хабарни ифодалашда III шахснинг битта икки узвли кўшимчаси *-(и)бди* ва битта уч узвли кўшимчаси (*-ишибди*) қатнашган. Бу вазифани бажариш учун уч узвли кўшимчанинг иккинчиси (*-ибдилар*) ҳам қўлланади: *Бу одам мени излаб Юсуфхонага борибдилар* (Т.Малик, Сўнгги ўк, 377). Бу мисолда кўшимчанинг учинчи узви (*-лар*) *ҳурмат* маъносини англатмоқда. Бунини сўзловчи билан тингловчининг ижтимоий вазифаси тақозо қилади. Бундан ташқари, тежамкорлик натижасида битта от (*одам*) аввало *-ибдилар* кўшимчаси англатган субъект (эга)ни ойдинлаштиради, иккинчидан, хабар манбаи вазифасини бажаришига имкон беради. Айни пайтда, хабар манбаи

таркибидаги олмош (бу)дан субъектнинг нутқ momentiда иштирок этаётганлиги англашилади. Нутқий мақсад, вазифа тақозо қилганидан сўзловчи ва иш-ҳаракат ўрни лисоний восита (*мени, Юсуфхонага*) билан ифода этилган. Бу воситаларнинг биринчиси таянч хабар (тема), иккинчиси янги хабар (рема) таркибига киради. Ўзлаштирилган хабар ва унинг манбаига дахлдор бошқа жиҳатларни аниқлаш учун матннинг олдинги ёки кейинги қисмига мурожаат қилишга тўғри келади.

Содда гап ихчам бўлганда ҳам у орқали ўзлаштирилган хабар ифодалаётганлиги сезилиб туриши мумкин. Бундай ҳолда ўқувчи хабар манбаи, сўзловчи ва тингловчи ҳақида маълумот олиш учун олдинги гапларга мурожаат қилиши керак бўлади: *Акмал айтиб берибди-ку* (Ш.Холмирзаев, *От йили*, 405). Олдинги гаплар, аниқроқ айтганда, микроматннинг олдинги қисми (404-бет)дан маълум бўладики, сўзловчи Бўри қора (*Бўрибой*) тингловчи бош прокурор Саодат акага Бойчибор ҳақида айтган фикрини *-(у)бди* шаклли феъл ёрдамида таъкидлаб баён қилмоқда (таъкид воситаси юклама). Мақсади ўқувчининг диққат-эътиборини шунга жалб қилиш бўлганидан ёзувчи учта сўзни алоҳида гап қилиб беради. Содда гап ҳажман катта бўлганда ҳам унда ўзлаштирилган хабар манбаи ўз ифодасини топмаслиги мумкин: – *Муқаддам шу ерга – Бўстон гузарига дўхтирхонага ҳамшира бўлиб келибди* (Ў.Ҳошимов, Баҳор қайтмайди, 133). Ушбу мисолда эшитилган хабарнинг ўрни таъкидланган. Шунингдек *-(у)бди* қўшимчаси субъекти луғавий восита (*Муқаддам*) билан ифодаланган. Аммо хабар манбаи субъектнинг ўзи эканлиги, яъни Муқаддамнинг фикри ўзлаштирилиб баён қилинаётганлиги матннинг олдинги қисмидан аён бўлади.

Содда гапда қўлланган воситанинг луғавий маъносига кўра хабар манбаини микроматндан ҳам аниқлаб бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолда бевосита кузатмаганлик маъноси эшитилганлик тарзида намоён бўлади: *Билишимча, тишини қайраб юрибди* (Ш.Холмирзаев, *От йили*, 315). Мураккаб содда гап таркиби хабар манбаини на микроматн, на макро-матндан аниқлаш имконини бермаслиги мумкин. Бундай ҳолда ҳам *бевосита кузатмаганлик* маъноси эшитилганлик тарзида намоён бўлади: *Эрон шоҳи Паҳлавий яширин буйруқ бериб, бир кинотеатрни ёқиб юборибди* (Т.Мурод, *От кишнаган оқшом*, 176).

Ўзлаштирама хабарнинг кетма-кет келган иккита гапда ифодаланиши ҳам кўп учрайди: *Миръаламович айтди, йўловчилар билан гаплашиб билибди* (Т.Малик, Савоҳил, 173). Ушбу мисол микроматннинг бир қисми. Иккита содда гап атиги бешта мустақил сўздан иборат. Биринчи гап хабар манбаи вазифасини бажармоқда. Иккинчисидан сўзловчи хабар манбаининг субъекти айтган фикрни ўзлаштириб баён қилмоқда. Нутқий мақсад, вазифага кўра хабар манбаини кўрсатувчи гап ихчамлигича қолиб, ўзлаштирилган хабар ифодаланган гап ҳажман кенгайди: *Ойим айтган: бир куни Башор она шовлани қайнатиб ўзи тракторга андармон бўлиб кетибди* (Ў.Ҳошимов, *Икки эшик ораси*, 177). Қиёслаб кўрилса, биринчи мисол мантиқан иккита, иккинчи мисол учта пропозициядан иборат. Грамматик жиҳатдан фарқ шундаки, биринчи мисолда микроматнда ўз ифодасини топган воситалардан бир қисми ўзлаштирилган хабар ифодаланган гап таркибига киритилган.

Ўзганинг гапи ўзлаштирилиб баён қилинганда хабар манбаи бир сўзли гапдан иборат бўлиши мумкин: – *Эшитдингми, момоси, Вахшворда биров етмишида фарзанд кўрибди* (Т.Мурод, Ойдинда юрган одамлар, 341). – *Адаси, эшитдингизми, Қаяум ака оламдан ўтибдилар* (Т.Малик, Талваса, 175). Иккала мисолда ҳам хабар манбаининг эгаси кўшимча (-нг,-нгиз) ва ундалма (*момоси, адаси*) билан ифодаланган. Шундай бўлса-да, олмош билан ифодаланувчи эга (*сен, сиз*) тежалган. Бундан ташқари, нутқ аъзоларининг ижтимоий вазифасига боғлиқ ҳолда эшитилган хабар ифодаланган гаплардан биттасида икки узвли (-*(у)бди*), иккинчисида уч узвли кўшимча (-*ибдилар*) ишлатилган. Юқоридаги икки мисолда хабар манбаини кўрсатувчи гап эшитилган хабар ифодаланган гапдан олдин келган бўлса, куйидаги мисолда бунинг акси: *Бугун отангизга яқинлашмабдилар, эшитдим* (Т.Малик, Сўнги ўк, 428). Контекстнинг иккала қисмида ҳам эга фақат кўшимча орқали ифодаланганлиги ва фақат ахборот учун зарур бўлақлар қўлланганидан тежамкорлик яққол кўзга ташланади. Мазкур феъл қўлланган контекстда -*(у)бди* икки марта ишлатилиши мумкин. Бундай ҳолда хабар манбаи гаплардан биттаси таркибида иккиламчи предикация ҳосил қилади, бошқача айтганда, мантиқан алоҳида пропозиция ифодалайди: – *Кўчадан эшитиб уйингга борибди. Эринг билан гаплашибди* (Ў.Ҳошимов, Баҳор кайтмайди, 227).

Хабар манбаи бирдан ортиқ шахс бўлганда нутқий вазият тақозо қилмаса, гапнинг эгаси фақат кўшимча билан ифодаланади. Контекст ихчамлашиб, тежамкорлик зухур бўлади: (-*дилар*). *Сафарингиз хатарнок бўлибди, менга айтдилар* (Т.Малик, Савоҳил, 169). Бундай контекст микромаатннинг бир қисми эканлиги махсус восита билан кўрсатилиши мумкин: *Тўғророғи, мактабга келаётганини кўришган, лекин ярим йўлда орқасига қайтиб кетибди* (Т.Малик, Талваса, 320). Биринчи сўз олдинга ҳавола қилади. Шунга кўра боғловчи вазифасини бажариб, микромаатннинг зохирий яхлитлигини таъминлашда иштирок этади.

Нутқий вазият талаб қилса, хабар манбаи кенгрок ифодаланиб, гап ҳажман катталашади. Бу, ўз навбатида, ўзлаштирилган хабар ифодаланган гапда тежамкорлик зухур бўлиб, фикрнинг ихчам бўлишига имкон яратади. Матний таҳлил бу усул кўпчилик ёзувчи ижодига ҳослигини кўрсатади: *Мирза Қандилхон шаҳарга қайтиб, пешинда хушхабар билан келди: Амир уларни ҳузурига чорлабди* (Т.Малик, Савоҳил, 213). *Умар акам Тошкентга бориб гап топиб келди. – Анави чўлоғинг уйланибди, Раъно* (Ў.Ҳошимов, Икки эшик ораси, 436).

Шундай контекстлар борки, олдин кўчирма хабар ва унинг манбаи ихчам ифода этилади, сўнгра хабар манбаи ўзлаштирилиб, -*(у)бди* шакли қўлланади. Ўзлаштирилган гап хабар қисми эса синтактик жиҳатдан ўзлаштирилмай кесимнинг шахси ва сони ўзгартирилади. Натижада тежамкорлик воқеланади ҳамда синтактик жиҳатдан ўзлаштира хабарнинг алоҳида кўриниши юзага келади: – *Керак бўлса, ўзимиз чақирамиз дейишиди. Айтибди-ку, керак бўлса, ўзлари чақиради* (Ў.Ҳошимов, Икки эшик ораси, 101).

Қисқача таҳлилдан кўринадики, асар муаллифлари ўзи ёки асар қаҳрамони гувоҳ бўлмаган воқеа-ҳодисаларни ўзлаштириб, баён қилишда

-(*u*)бди шаклидан кўп ва ҳўб фойдаланишади. Нутқий амал учун зарур бўлган сўз ва бирикмаларнигина ишлатиб, тежамкорликка катъий риоя қилишади.

РЕЗЮМЕ. Мақолада коммуникатив мақсад маъносининг бир кўриниши бўлган ўзлаштира хабар узвли ва матний таҳлил қилинади. Таҳлил учун бадиий адабиётдан танлаб олинган микроматнлар асосида -(*u*)бди шаклининг ўзига хос хусусиятини тўлиқроқ ёритишга ҳаракат қилинади.

РЕЗЮМЕ. В статье проведен компонентный и текстовый анализ косвенного сообщения – разновидности коммуникативного значения. На основе отобранных из художественной литературы микротекстов, более подробно освещены специфические особенности аффиксов -(*u*)бди.

RESUME. The article undergoes component and text analysis of one of the varieties of communicative meaning, that is, indirect report. An attempt is being made to more fully disclose the features of the form “-(*i*)bdi” based on micro texts taken from fiction.

Таянч сўз ва иборалар: узвли (компонент) ва контекстуал таҳлил, матний таҳлил, микроматн, макроматн, ўзлаштира хабар, бевосита кузатилмаганлик, пропозиция, макропропозиция, коммуникатив мақсад маъноси, тема, рема, диалогик нутқ.

Ключевые слова и выражения: компонентный и контекстуальный анализ, текстовый анализ, микротекст, макротекст, косвенное сообщение, не прямое наблюдение, пропозиция, макропропозиция, значение коммуникативной целеустановки, тема, рема, диалогическая речь.

Key words and word expressions: component and contextual analysis, text analysis, micro-text, macro-text, indirect report, direct non-observation, proposition, macro-proposition, meaning of communicative purpose, theme, rheme, dialogic speech.

Абдуманнон ҲАСАНОВ

ШЕВАЛАРДАГИ АЙРИМ ДЕҲҚОНЧИЛИК ТЕРМИНЛАРИ ХУСУСИДА

Деҳқончиликка оид кўплаб тушунчалар халқ шеваларида ўз номига эга. Чунки ўзбек халқи қадимдан деҳқончилик билан шуғулланиб келган ва ҳозирда ҳам бу соҳа турмушнинг озик-овқат ва ҳўжалик эҳтиёжларини қондирувчи асосий фаолият тури ҳисобланади. Жумладан, деҳқончилик билан шуғулланувчи тоғли ва тоғолди ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳоли шеваларида шундай сўзлар борки, улар шу шева вакилларининг моддий ҳаёт шароитлари, ижтимоий ва ҳўжалик фаолияти, шу шева жойлашган ҳудуднинг иқтисодий имкониятлари билан боғлиқдир. Маълум бир ҳудудда ишлаб чиқариш тармоғининг муайян соҳаси ривожланиши шу ерда яшовчи аҳоли тилида бошқа ҳудудлардан фарқли равишда атамаларни вужудга келтиради¹. Бу атамалар мазкур шеванинг фаол сўзлари бўлиши билан бир қаторда адабий тил лексикасининг бойиши учун ҳам катта аҳамиятга эга. Қуйидаги сўзлар ўзининг бетакрор ифода имкониятлари, адабий тилда дублетларининг йўқлиги ва лисоний аҳамиятлилиги билан деҳқончиликка оид бошқа диалектизмлардан ажралиб туради.

Аннггор. Бу сўз аксар шеваларда экиндан бўшаган жой маъносини англатади². Одатда, экин йиғиштириб олингач, аннггор ҳайдов бўлади ва бу ерга чўпонлар чорва молларини боқадилар. *Аннггор* сўзи баъзи кипчок

¹ Решетов В., Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек диалектологияси. – Тошкент. 1962, 82-бет.

² Ўзбек халқ шевалари луғати. – Тошкент: Фан, 1971, 31-бет.

МУНДАРИЖА

Тилшунослик

Ё.Одилов. Тил ва этнос.....	3
А.Бердиалиев, И.Эрматов. Парадигматик ва синтагматик муносабатларнинг ўзбек лисоний тизимида хос хусусиятлари ҳақида.....	10

Адабиётшунослик

А.Абдуқодиров. Алишер Навоий ва Камол Хўжандий.....	19
Ш.Аҳмедова. Асқад Мухторнинг адабий-танқидий қарашлари.....	24
Х.Ҳамроқулова. Улуғбек Ҳамдам ижодида шахс талқини.....	29

Илмий ахборот

А.Ўрозбоев. Комил девони қўлёзмасининг мухтасар мундарижаси.....	35
Т.Хўжаев. “Ҳамса”даги айрим ишоравий байтлар хусусида.....	39
Б.Умурзоқов. Али Сафийнинг бадиий маҳорати.....	43
Г.Сатторова. Ҳозирги ҳикояларда аёл руҳияти талқини.....	48
М.Отажонова. Бадиий мифологизмнинг семантик қўлами.....	53
Ф.Олим. Навоий ижодида Жомий сиймоси.....	58
М.Маматкулов. Сайёдийнинг “Тоҳир ва Зухро” достони.....	63
С.Ҳамдамова. Нодира ғазалларида халқона оҳанглар.....	67
Л.Ахророва. “Отамдан қолган далалар” романида ҳаётий ҳақиқат ва бадиий талқин.....	71
Ф.Бурхонова. Аҳмад Аъзам ҳикояларида давр руҳи ва маънавий олам талқини.....	75
М.Ўразбоева. Жаҳон адабиётшунослигида аёл образининг ўрганилиши.....	79
Б.Шукурова. Ҳикояда қаҳрамон руҳияти тасвири.....	83
Ф.Бафоев. Халқ мақолларида образлилик.....	88
М.Ёдгорова. “Олтин зангламас”нинг қўлёзма ва нашрлари.....	91
А.Алламбергенов. “Ибн Сино” романида тарихий шахслар талқини.....	93
Ю.Каримова. “Қудратли тўлқин” романида характер тадрижи талқини.....	97
Х.Жабборов, С.Кенжаева. Мотивация ва мотивлаш терминлари хусусида.....	101
Э.Жумаев. -(и)бди шаклининг маъно хусусиятлари.....	105
А.Ҳасанов. Шевалардаги айрим дехқончилик терминлари хусусида.....	111
А.Ҳамидов. Кенг истеъмол сўзларининг кўпмаънолилиги.....	115
М.Алиева. Миллий газлама дизайнерлиги терминлари.....	118
М.Сабинова. Газета матнларида нутқий акт турларининг ифодаланиши.....	122
Г.Сапарбаева. Оғзаки мулоқот матни хусусиятлари.....	125
Н.Ҳа. Дипломатик дискурста “чегара” лексемаси.....	129
А.Саидноманов. Ўзбек тили тиббиёт терминологиясида ўз ва ўзлашган бирликлар.....	133
А.Ахроров. Мақолларда сўзлаш одоби талқини.....	138
Г.Соатова. Ўзбекистонда Урхун-Энасой ёдгорликлари тадқиқи.....	140

Фанимиз захматқашлари

Б.Назаров, Қ.Қаҳрамонов, Л.Шарипова. Самарали умр.....	143
Ҳ.Ҳомидий. Дастхатлар сеҳрини туйиб.....	145

Илмий ҳаёт

Абдусалом Абдуқодиров.....	148
----------------------------	-----